

“УЙҒОНМОҚ ДУНЁ БИЛАН БАРОБАР ЯШАМОҚДИР”

Маматқулов Рустам Убайдуллаевич

Тошкент кимё-технология институти катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада муаллиф профессор С.Атамуратовнинг Тафаккур журналининг 4/2024 сонидан эълон қилинган “Қачон миллат бўламиз?” сарлавҳали мақоласига муносабат тарзидаги фикр –мулоҳазалари баён қилинган. Хусусан, миллат тушунчасига берилган илмий таърифлар, миллат шаклланишининг бир қатор омиллари, зиёлиларнинг миллий ўзликни англашдаги вазифалари ва таълимни ривожлантириш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар

Миллат тушунчаси, ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, дунёни англаш, Демокрит, Алишер Навоий тазкиралари, Амир Темур, Исмоилбек Ғаспирали, зиёли, таълим ислоҳати, миллий тикланиш, миллий юксалиш, Янги Ўзбекистон.

Жалолиддин Румийда шундай гап бор: “Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл”. Бу ҳикмат халқимиз орасида жуда машҳур ва кўп бора тилга олинса-да, ҳамма ҳам мағзига ета олмайди. Кўча-кўйда ҳаммага мақтаниб, ошна-оғайниларига гап бермайдиган одамлар аксарият ҳолларда уйдан бахт тополмайди. Ёки бугунги кунда ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурган ижтимоий тармоқларда ўзини кўз-кўз қилаётганларнинг шахсий ҳаёти ачинарли эканига гувоҳ бўлиб қоламиз. Шундай, инсон ўз аслидай кўриниши жуда қийин. Аммо сўз ва амали бир бўлмас экан, минг чиранмасин, тугал бахтга ҳам, тараққиётга ҳам эриша олмайди. Биз ўзлигимизни таниб, аслимиз, илдизимиз қаерга бориб тақалишини англаб, шунга интилмас эканмиз, яқдил миллат сифатида шакллана олмаймиз. “Тафаккур” журналининг 2024 йил 4-сонидан жой олган устоз Саъдулла Отамуродовнинг “Қачон миллат бўламиз?” сарлавҳали мақоласида ҳам айнан давлатчилигимизнинг охириги минг йиллик тарихи таҳлил қилиниб, миллат сифатида бирлашган даврларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу аснода,

қайсики даврда халқ ўзини, кимлигини таниб, маънавиятини юксалтира олган бўлса, куч-қудрати ҳам ошиб борганини қайд этади.[1]

“Биз қачон миллат бўламиз?” Юқорида тилга олинган мақолада асосий савол шу. Унга жавоб топиш учун аввало, миллат тушунчасининг асл мазмунига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, миллат тушунчаси илк бор қадим юнон файласуфи, бундан салкам 2 ярим минг йил муқаддам яшаган Демокрит томонидан қўлланилган экан. Унинг таърифича, бу тушунча ҳар бир мамлакатнинг ягона соҳибини англатади.[2] Шундан сўнг орадан қанча замонлар ўтиб, XVIII аср француз инқилоби даврида бу масала яна ўртага тушди, бироқ ҳали ҳам бу тушунча айрим халқларда шаклланиб улгурган эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, миллийлик ва ўзлик тушунчалари туркий халқлар орасида ҳар доим биринчи ўринда бўлган. Биринчи ренессанс даврини оламизми, теурийлар замонига назар ташлаймизми, бу борада турли қарашларга дуч келиш мумкин. Масалан, Алишер Навоий тазкираларида замондошларига “шамс ул-миллат”, “зайн ул-миллат”, “нур ул-миллат” каби таърифлар беради. Уларни миллат қуёши, миллат нурига қиёс этади.”[3] Бироқ айрим ўринларда бу давр адабиётларида миллат ва дин тушунчалари ўзаро бирлашиб кетади. Миллат биз ўйлагандек маълум бир ҳудудда яшовчи тили, урф-одати ва қарашлари бир одамлар жамоасини эмас, балки ягона динга эътиқод қилувчи барчани қамраб олади.

Кейинги даврларга келиб, хусусан, XIX аср охирларида миллат тушунчаси диндан яққол ажралди. Айниқса, жадидлар даврида маърифатпарвар боболаримиз томонидан туркийликка, бирлашиш ғоясига асосий эътибор қаратилди. Ягона миллат, ягона байроқ остида бирлашиш ғояси авж олиб кетди. Бу матбуотда ҳам, театрда ҳам, бошқа санъат турларида ҳам бўй кўрсатаверди. Бу нарса, табиийки, нияти ерларимизни мустамлака қилиб, халқимизни қулга айлантириш бўлган босқинчиларга ёқмади. Натижада “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” ғояси остида ўз

билганича парчалашга тушди. Мақолада тўғри таҳлил этилганидек, “Россияда рўй берган Октябрь тўнтаришидан кейин Марказий Осиёда миллий республикалар тўзилди. Аммо мустақил миллатлар униб-ўсишига йўл қуйилмади, бильакс, ўзгаларга қарам қавмлар шакллантирилди. Чор Русияси юртимизни қандай тобе этиб, эксплуатация қилгвн бўлса, шўролар ҳам шу сиёсатни давом эттирди. Минтақа халқлари “ўз хоҳиши билан Россияга қўшилди” деган ёлғон остида Ватанимиз бойликлари ташиб кетилди, истибдоднинг янги - янги шакл-усуллари амалга оширилди”. [4] Дарҳақиқат, қаттол тузум асоратлари мана қарийб 35 йил бўляптики, ҳали ҳам юрагимиздан кетгани йўқ. Унинг мислсиз таъсири, кўркуви халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларига кириб бориб, шунчалик мустаҳкам ўрнашганки, ҳали ҳам ўз эркини ҳис қила олмайдиган тоифалар учраб турибди.

Ҳар қандай одамлар тўдаси миллат сифатида шаклланиши учун яқдил ғоя атрофида бирлашиши ҳам талаб этилади. Умуммиллий ғояси бўлмас экан, аниқ мақсад қўйиб бўлмайди. Мақсадсиз эса тараққиётга йўл йўқ. *“Бир миллатнинг қувват ва матонати унинг саодати ва фароғати аҳлининг оз-кўплиги билан эмас, аъзоларидаги маданият ва тараққиётга омил ҳаётий хусусиятларининг даражаси билан ўлчанади, – деб ёзган эди жадидлар раҳнамоси Исмоилбек Ғаспирали 1908 йилдаги “Илм ва маърифат даври” мақоласида. – Илм-ҳунар гайрат ва меҳнат билан қўлга киради. Ғайрат ва меҳнат эса илму ҳунар туфайли самара беради. Булар ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Қавмининг кўпчилиги жисман соғ бўлиб, илму ҳунардан бебаҳра қолиши ва ҳаёти паришон бўлиб, ўзини ҳимоя қилмоқдан оғир ҳолга тушиши мумкин. Илм-маърифатда қувватли Оврупо миллатларининг соғлом Африкани асоратга олишлари бежиз эмас”.* [5]

Мақолада ўзликни англашнинг уч йўли борлиги ва булардан биттаси бўлмаса ҳам қолганлари боғланмаслиги ҳақида айтилади. Аввало, ҳар бир инсон ўзини ўзи англаши лозимлиги, сониян, муайян миллат вакили сифатида миллий ўзликни идрок этмоғи, башар фарзанди ўлароқ дунёни

англамоғи талаб этилиши баён этилади. Моҳиятан олиб қарасак, инсон ўзлигини англамай туриб миллатини билолмайди. Миллатини билмаганлар эса дунёни англашга ақли етмайди. Ҳар учаласини бирлаштирган халқ эса келажагидан хавотир олмаса ҳам бўлади. Хўш, ўзлигини англаш учун нима қилиш керак? Унинг биринчи ва энг муҳим шарти бу илму маърифатдир. Маърифатни юксалтириш эса аввало, таълим тизими ислоҳидан бошланади. Жаид боболаримиз бежиз аввало мактаб, ундан кейин олий таълим ислоҳини ўтказиб, халқнинг болаларини уйғотишни асосий мақсад қилиб олмади. *“Уйғонмоқ дунё билан баробар яшамоқдир”*, дея эски тузум мактабларига қарши туриб, замонавий жаид педагогикасини жорий этишди. Натижада, илм-маърифатга йўғрилган жуда катта бир тўлқин ҳосил бўлди. Бу тўлқин муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, тарих саҳнасида жуда муҳим из қолдирди.

Бугун биз зиёлиларимизга асосий эътиборни қаратиб, уларни уйғотмас эканмиз, орзу қилаётган тараққиётга эриша олмаймиз. Чунки миллатни шакллантиришда зиёлиларнинг ўрни юқори. Ҳар бир олий маълумотли киши ўзини зиёли санаб, қайси касбда бўлишидан қатъий назар сидқи дилдан ишласа, касбига садоқат кўрсатса, атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг шунчаки томошабини бўлмай, уларга фаол муносабат билдирса, ана шундагина улар бир кучга айланади. Зеро, соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида айтганидек, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Ана шундай боқиманда ва *“дунёни сув босса тўпиғига чикмайдиган”* кишиларга қарши кураш бугуннинг асосий вазифаларидан бўлиши керак.

Ухлаётганларни уйғотиш уйғоқларнинг вазифасидир, дейди аҳли донишларимиз. Дарҳақиқат, шундай. Бугун ўзлигини англаётган, миллатини таниётган, шу орқали дунёни англаётган миллатдошларимиз кўп. Ҳар йили спорт ва илм-фан мусобақаларида дунёни лол қолдираётган, дунёга ўзбек деган номни баралла танитаётган ёшларимизни кўриб, фахрланамиз,

қувонамиз. Бундай ёшларни кўллаб-қувватлаётган, юртимизнинг бир чеккасида туғилиб ўсган ёшларнинг катта муваффақиятини бутун Ўзбекистон бўйлаб байрамга айлантираётган юртдошларимиз борлиги бизнинг катта миллат сифатида беқиёс имкониятларга эга эканлигимизни англатади. Уч минг йиллик давлатчилик тарихи бор бу миллатни турли бўҳтон ва ғаразлар билан синдиришнинг имкони йўқ. Зеро, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида ўз йўлини белгилаб олган халқимиз тараққиётнинг янги босқичига, Учинчи Ренессанс остонасига қадам қўймоқдамиз.

1. Атамуратов С.А. “Қачон миллат бўламиз?” Тафаккур ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал. 4/2024. 42-48 бетлар.
2. Qosimov В. Milliy uyg‘onish. Jasorat, ma’rifat, fidoyilik. – Т.: “Ma’naviyat”. 2002. – В. 64
3. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик//13-том//”Мажолис ун-нафоис”. – Т.: Фан. 1997.
4. Атамуратов С.А. “Қачон миллат бўламиз?” Тафаккур ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал. 4/2024. 42-48 бетлар.
5. Гаспринский И. “Илм-маърифат даври” Таржимон г. 1908-й. 6-сон